



e-ISSN: 2319-8753 | p-ISSN: 2347-6710

# IJRSET

International Journal of Innovative Research in  
**SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY**

# INTERNATIONAL JOURNAL OF INNOVATIVE RESEARCH

IN SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY

Volume 11, Issue 2, February 2022

**ISSN** INTERNATIONAL  
STANDARD  
SERIAL  
NUMBER  
INDIA

Impact Factor: 7.569

 9940 572 462

 6381 907 438

 [ijirset@gmail.com](mailto:ijirset@gmail.com)

 [www.ijirset.com](http://www.ijirset.com)

# Electronic-Modular Didactic Provision in Primary Education

Jabborova Onaxon Mannopovna<sup>1</sup>, Bekkulova Margiyona Bekzodqizi<sup>2</sup>

Doctor of Philosophy in Pedagogical Sciences (PhD)

Tashkent region Chirchik State Pedagogical Institute, Uzbekistan<sup>1</sup>

Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region, Uzbekistan<sup>2</sup>

**ABSTRACT:** this article provides insights and methodological recommendations on electronic imitation didactic procurement in primary education.

**KEYWORDS:** primary education, didactics, education system, modular education.

## БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ЭЛЕКТРОН-МОДУЛЛИ ДИДАКТИК ТАЪМИНОТ

Жабборова Онахон Манноповна<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти, Ўзбекистон  
Беккулова Марғиёна Бекзод кизи<sup>2</sup>

<sup>2</sup>Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти, Ўзбекистон

**Аннотация:** ушбу мақолада бошланғич таълимда электрон тақлидий дидактик таъминот ҳақида мулоҳазалар ва методик тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** бошланғич таълим, дидактика, таълим тизими, модулли таълим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида бошланғич таълимни жаҳон стандартлари даражасида ривожлантириш ва мураккаб шароитларда уни амалга оширишнинг механизмларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган [1]. Шу маънода бошланғич таълимда электрон-модулли дидактик таъминот ва унинг технологиясини шакллантириш долзарб бўлиб турибди.

Электрон-модулли таъминот бу ахборот технологияларига асосланган таълим бўлиб, унда пандемия, эпидемия каби мураккаб шароитларда фойдаланиш ва турли ўқув материалларини ишлаб чиқиш назарда тутилади [2]. Бу борада педагогика фанлари доктори, профессор Ш.Қ.Мардонов томонидан ишлаб чиқилган электрон-модулли дидактик таъминот технологияси жуда қўл келади.

Бошланғич таълимда мураккаб шароитларда электрон-модулли дидактик таъминотнинг қуйидаги шаклларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- Электрон-модулли дарслик;
- Электрон-модулли дарслар тизими;
- Электрон-модулли тарбиявий тадбирлар.

*Электрон-модулли дарсликда* бошланғич таълим ўқув фанларининг барчаси учун ихчамлаштирилган ва компьютер воситасида фойдаланишга мўлжалланган материаллар киритилади. Бунда асосий эътибор мавзу матни ва мустақил таълим саволларига қаратилади. Матнлар анимация, мультимедия материаллари воситасида ёритилади ва улардан фойдаланишнинг механизмлари кўрсатилади. Мустақил таълим саволлари ва

топшириқлари очик ҳолда тузилади, уларга жавоб ёзиш учун имкониятлар берилади. Бундай дарсликлардан масофавий таълим воситасида фойдаланиш жуда қулай. Шу жиҳатдан бошланғич синф ўқувчиларининг компьютер саводхонлигидан оқилона фойдаланган ҳолда электрон-модулли дарсликлар воситасида машғулотларни ўтиш қизиқарли, самарали ва ўқувчиларнинг хошиш-истакларини инобатга олган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

*Электрон-модулли дарслар тизими* компьютер технологияси воситасида ишлаб чиқилади ва уни ўтказишнинг асослари, методлари ҳамда механизмлари белгиланади. Унга кўра, электрон-модулли дарслар муайян мавзу бўйича батафсил тасниф этилади ва ундан ўқувчиларнинг фойдаланиши учун қулай вариантлар ишлаб чиқилади. Бошланғич синф ўқувчилари, айниқса, 3-4 синф ўқувчилари компьютер воситасидан тўлиқ фойдалана олади. Шу сабабли электрон-модулли дарслар қизиқарли, ўқувчиларнинг фаоллигига асосланганлиги ва баҳолашнинг техник имкониятларига таянганлиги билан самарали ҳисобланади. Айни пайтда, бундан типдаги дарслар самарали бўлса-да, бироқ ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини кузатиш чекланади. Шу сабабли мазкур типдаги дарслардан мураккаб шароитларда фойдаланиш тавсия этилади. Бу борада Европа университетлари Ассоциациясининг тавсияси ишлаб чиқилган бўлиб, унда асосан дарс мавзуларини қисқа матнларда ва мавзулар бўйича топшириқлар қўламини кенгайтириш тавсия этилган. Кейинги пайтларда, илғор ўқитувчилар электрон-модулли дарсларни индивидуал тарзда такомиллаштириш устида ишламоқда. Шу сабабли олис ҳудудлардаги мактабларда компьютер синфларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

*Электрон-модулли тарбиявий тадбирлар* тизимида масофавий таълимнинг имкониятларидан фойдаланиш назарда тутилади. Унга кўра, ўқувчилар ахлоқли, мураккаб ва пасивгуруҳларга бўлинади. Мазкур тадбирлар тизими компьютер воситасида тайёрланиб, унда гуруҳларнинг хусусиятлари ҳисобга олинади. Мисол учун, ахлоқи талаб даражасидаги бошланғич синф ўқувчилари учун мураккаброқ тарбиявий тадбирлар белгиланади. Мураккаб ахлоқли бошланғич синф ўқувчилари учун очик мулоқотли тадбирлар ишлаб чиқилади. Пасив гуруҳга кирувчи ўқувчилар учун эса фаоллаштирувчи ва уларнинг хошиш-истакларини аниқловчи тадбирлар мажмуи шакллантирилади. Буларнинг барчаси компьютер воситасида махсус дастур асосида амалга оширилади.

Россиялик педагог олима Н.Усова бошланғич таълимда компьютерли технологиялардан фойдаланиш муаммолари бўйича амалга оширган тадқиқотида қуйидаги хулосаларга келган [3]:

- ўқувчиларнинг таълим ва тарбияга бўлган қизиқиши ортиб боради;
- компьютер имкониятлари ўқувчиларнинг қизиқиш доирасини кенгайтиради;
- бундай ёндашув воситасида ўқувчиларнинг билиш олиш даражаси ортади.

Айни пайтда, Н.Усованинг фикрича, компьютерли технологиялар тарбия жараёнида у қадар самарали бўлмайди. Шу сабабли бу масалада профессор Ш.Мардонов томонидан шакллантирилган электрон-модулли дидактик таъминот технологиясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу технологиянинг тавсифи қуйидагича:

- электрон-модулли дидактик таъминот технологияси компьютерда тайёрланиб, у махсус топшириқлар ва баҳолаш мезонларига асосланади;
- бу технология масофавий таълим усулининг негизи бўлиб, унда асосан топшириқларнинг очик шаклига таянилади;
- ўқувчилар мазкур топшириқларни бажариш жараёнида ўзларининг ахлоқий, маънавий ва руҳий сифатларини намоён этади;
- бу моделда ўқувчилар билан билвосита алоқага киришиш мумкин, айни пайтда уларнинг ўзлаштириш даражасини баҳолаш мураккаблигича қолади.

Бошланғич таълимда электрон-модулли дидактик таъминот технологиясидан фойдаланишнинг мезонлари қуйидагича:

- умумтаълим мактаблари компьютер синфига эга бўлиши керак;
- бошланғич синф ўқувчилари компьютердан фойдаланиш кўникмасига эга бўлиши лозим;
- ҳар бир дарс, машғулот ва тадбирларнинг электрон нусхаси ишлаб чиқилиши лозим;

- бу модулдан фойдаланишда бошланғич синф ўқувчиларига бир неча имкониятлар берилади;
- ўқитувчи мунтазам равишда ҳар бир ўқувчининг индивидуал ўзлаштиришини кузатиб бориши тақозо этилади.

Умуман бошланғич таълимда электрон-модулли дидактик таъминот технологиясидан фойдаланиш имкониятлари кенг. Бу технология технократик таълимга асосланса-да, унда билимларни ўзлаштириш ва дунёқарашини кенгайтириш муҳим ўрин тутди. Бугунги кунда тарбия жараёнининг ўзига хос электрон-модулли дидактик таъминот технологиясини ишлаб чиқиш долзарб бўлиб турибди.

Хулоса қилиб айтганда, бошланғич таълимда электрон-модулли дидактик таъминот тизимлари ва технологияларидан фойдаланиш бугунги талабларга мос. Айни пайтда, мавзкур технологиядан фойдаланишнинг методологияси, методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш тақозо этилади. Шунингдек, амалий фаолиятдаги бошланғич синф ўқитувчиларининг электрон-модулли дидактик таъминот технологиясидан фойдаланиш малакасини шакллантириш долзарб бўлиб турибди.

## REFERENCES

1. Жабборова, О. М., Умарова, З. А. (2021). БОЛАЛАР ПЕДАГОГИКАСИ МАЗМУНИ ВА УНИ КЛАСТЕР УСУЛИДА ЎҚИТИШ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 59-62.
2. Мардонов, Ш. Қ., Жабборова, О. М (2021). БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕР УСУЛИ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 142-145.
3. Жабборова, О. М. (2021). БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА КЛАСТЕР УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МЕХАНИЗМЛАРИ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 63-67.
4. Жабборова, О. М., Умарова, З. А. (2021). БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШНИНГ КЛАСТЕР УСУЛИ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 68-71.
5. Мардонов, Ш. Қ., Жабборова, О. М (2021). ОЛИЙ БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАРИ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 119-121.
6. Жабборова, О. М. (2021). ЎҚИТИШНИНГ КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ЎҚУВ ФАНЛАРИНИ ТАНЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(6), 1095-1099.
7. Жабборова, О. М. (2021). БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШНИНГ ЭЛЕКТРОН-МОДУЛЛИ УСУЛЛАРИ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(5), 1294-1299.
8. Жабборова, О., Ташпулатова, Д. (2021). Бошланғич синф ўқитувчиларининг малака талаблари. *Ekonomika i sotsium*, 5(84).
9. Каримжонов, А., Жабборова, О. (2021). Ян Амос Коменскийнинг таълим-тарбияга оид қарашлари. *Ekonomika i sotsium*, 5(84).
10. Жабборова, О. М., Ахмедова, Н. Ш. (2021). Бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғоя асосида тарбиялаш омиллари. *Ekonomika i sotsium*, 4(83).
11. Jabborova, O. M. (2021). Systems for The Development of Primary Education in The Process of Higher Pedagogical Education. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(04), 449-453.
12. Jabborova, O. M., & Mardonov, Sh. Q. (2021). Ta'lim jarayoniga innovatsiyalarni tatbiq qilishning tashkiliy-pedagogik jihatlari. *Xalq ta'limi jurnali*, 2.
13. Жабборова, О. М. (2021). Мураккаб шароитларда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий тайёрлаш. *Ekonomika i sotsium*, 4(83).
14. Жабборова, О. М. (2021). Бошланғич таълимда интеграциялаш масалалари. *Academic research in educational sciences*, 2(4), 702-706.
15. Жабборова, О. М., Бахтиёрова, С. Э. (2021). Бошланғич таълим йўналишида хорижий тилларни ўқитишнинг янгича ёндашувлар тизими. *Academic research in educational sciences*, 2(3), 1040-1045.
16. Жабборова, О. М., Ташпулатова, Д. М. (2021). Ўзбекистон янги мафкурасининг педагогик талқини. *Academic research in educational sciences*, 2(3), 584-589.
17. Жабборова, О. М., Ташпулатова, Д. М. (2021). Бошланғич синф ўқитувчиларига қўйиладиган талаблар. *Academic research in educational sciences*, 2(2).
18. Жабборова, О. М., Чимпулатова, Ч. Д. (2021). Бошланғич таълимда Тарбия фанининг кластер усулида ўқитилиши. *Academic research in educational sciences*, 2(1).



19. Жабборова, О. М., Умарова, З. А. (2021). “Тарбия” фанини кластер усулида ўқитишда педагогик конфликтларни бартараф этиш. Academic research in educational sciences, 2(1).
20. Jabborova, O.M., Umarova, Z. A. (2021). Pedagogical conflicts in primary school students-as an important social-pedagogical problem. European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 7(2), 516-523.



**Impact Factor:  
7.569**



# INTERNATIONAL JOURNAL OF INNOVATIVE RESEARCH

IN SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY

 9940 572 462  6381 907 438  [ijirset@gmail.com](mailto:ijirset@gmail.com)



[www.ijirset.com](http://www.ijirset.com)

Scan to save the contact details